

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 244 (10.297)

2004 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий физкультура ва спорт билан шуғулланишни кенг ёйишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2005 йил — «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тuzилсин.

2. Республика комиссияси: вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хайрия жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Мақамасига тақдим этсин;

Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари тузиб, уни тайёрлашга республиканинг етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакиллариини жалб этсин.

3. Республика комиссияси «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг мақсади, асосий вазифалари ҳамда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини аниқ белгиласин.

Дастурга киритиладиган барча тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари аниқ белгиланган бўлиши, молиялашнинг реал манбалари ва уларнинг ижросини назорат қилишнинг таъсирчан механизми билан мустаҳкамланиши лозим.

4. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантиришда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

одамларда Бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш. Ҳаётга, ўз сиҳат-саломатлигига ҳудди мана шундай муносабат умумий эътироф этилган норма бўлиб қолиши ва болаликдан, шахннинг камол топа бошлаш давриданок сингдирилиши лозим;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она - соғлом бола мақсадили вазифасини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан камраб олиш борасида бошланган ишларни давом эттириш, барча лойиҳа ва тадбирларни тўла-тўқис ниҳоясига етказиш; репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича тадбирларни амалга оширишни давом эттириш, оилага васийлик қилиш, ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилиши ва уларни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган ишларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қондаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб етишида ота-она ва педагогларнинг ролини кучайтириш;

гиёҳвандликка, чекишга, юкумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/СПИД тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш;

пензионер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат курсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечирishiлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало қишлоқ жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Денов туманларида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи округ ҳамда участка сайлов комиссиялари раисларининг минтақавий семинар-кенгашлари ўтказилди.

● Улуг ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари Барселона университетининг профессори Мерсе Комес хоним таржимаси остида «Baby Memorias» номи билан испан тилида нашр этилди.

● Тошкентда «Фото олами», «Noridsu» (Япония) ва «Кодак» (Германия) компаниялари томонидан ташкил этилган учинчи халқаро фотоускуналар кўргазмаси бўлиб ўтди.

● Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги марказий касалхонанинг шошиличчи тиббий ёрдам бўлими биноси замонавий тарзда таъмирдан чиқарилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу бўлимга иккита «Дамас» автомашинаси совға қилинди.

● Амударё туманида Қорақалпоғистон республикасининг барча шаҳар ва туманларидан келган мутахассислар иштирокида қишлоқ кутубхоналари фаолиятини яхшилашга бағиш-

ланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

● Кўкон суперфосфат заводида ўғитларни аммонизациялаш, қуритиш, таснифлаш ва қадоқлаш линияси реконструкциясининг дастлабки босқичи якунланди.

● Хужайлидаги «Файз-маркет» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида янги махсулотлар — полиэтилен қувурлар ва шиферлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



Жаҳонда

● Руминияда ўтказилган президентлик сайловларида муҳолифат томонидан номзоди қўйилган Траян Басеску ғолиб чиқди.

● Фаластин ооздлик ташкилотли раиси ва Фаластин мухторияти етакчилигига энг муносиб номзод деяр эътироф этилаётган Махмуд Аббос фаластинликларни исроилликларга қарши курашни тўхтатишга чақирди.

● Украина Олий Радаси мамлакат президентлигига сайловларнинг иккинчи босқичига қайта овоз беришни ўтказиш учун давлат бюджети харажатларини 27 миллион гривна (5,1 миллион доллар)га оширди.

● Грузия Бош вазири Зураб Живания ҳукуматда кадрлар ўзгарганлигини маълум қилди. Жумладан, давлат вазири, барча вазирликлар ва республика давлат тизимларида тизимли ва иқтисодий ислохотлар мувофиқлаштирувчиси этиб Каха Бендбукидзе тайинланди.

● Польша Ироқдаги ҳарбий қўшинлари сонини уч баробарга камайтириш ниятида эканлигини маълум қилди.

САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИҚОТЧИ

БУГҒН



ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг қишқирлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг қишқирлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

ПРЙТАХТНИНГ БИР КҒНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● 106-МАХСУС мактаб-интернатда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Собир Раҳимов туман Кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамкорлигида КЕЧА уюштирилган расмлар кўргазмаси «Сен қонунни биласанми?» деб номланди.

● ЙҒЛДОШ Охунбоев номили Қўзи ожиз болалар махсус мактаб интернатда КЕЧА Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Ҳамза туман ҳокимли-

ги, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида «Хуқуқ ва бурч» мавзуда давра суҳбати уюштирилди.

● 31-МЕХРИБОНЛИК уйида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Юнусобод туман ҳокимлиги ҳамкорликларида тарбияланувчилар учун хайрия тадбири уюштирилди.

● 101-МАХСУС мактаб-интернатда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги ҳамкорликларида «Конституция оламига саёҳат» мавзуда уюштирилган очик тарбиявий соатларда тарбияланувчилар иштирок этишди.

● КЕЧА Яққасарой туманида туман фаоллари, маҳаллалар оксколлари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари иш-

тирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Конституция ва сайлов» мавзуда тадбир уюштирилди.

● 24-БОЛАЛАР ва ўсмирлар спорт мактабида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Бектемир туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимидаги ҳамкорликларида машҳур спортчи Руфат Рискўевнинг ўқувчилар билан учрашуви уюштирилди.

● 21-БОЛАЛАР ва ўсмирлар спорт мактабида Мирзо Улугбек туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича мусобақалар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми.Боши 1-бетда.

Тошкент техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва республиканинг бошқа олий ўқув юртиларида замонавий таълим ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналарида ишлаётган, уларга техник ва дастурий хизмат кўрсата оладиган махсус кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология нормаларини тадбиқ қилишга, ҳар бир аҳоли пунктини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга, ичимлик сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишда ҳўжалик җирутвучи субъектлар ҳамда аҳолининг масъулиятини кўчатиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш;

аҳоли кенг қатламлари орасида физкультура ва спорт билан шуғулланишни авж олдириш, айниқса болаларни спортга жалб этиш, республика ҳамда минтақавий мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, физкультура ва спортни оммалаштириш бўйича илгор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, телевидение орқали махсус соғломлаштириш дастурларини кенг намойиш этиш, шунингдек жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний соғломлаштириш машқлари билан оммавий равишда шуғулланиш учун турли клублар, секциялар, машқ заллари тизимини жадал ри-вожлантириш;

тиббиёт кадрлари, биринчи навбатда ўрта тиббиёт ходимлари ва олий малакали ҳамширалар (реаниматологлар, анестезиологлар, операция ҳамширалари, туғруқхона акушеркалари ва бошқалар)ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш. Тиббиёт кадрлари тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхати, таълим андозалари ва ўқув дастурлари танқидий қайта кўриб чиқилсин ҳамда мутахассисларни тайёрлаш чоғида эскириб қолган ақида ва сийқа қолиплардан воз кечиш назарда тутилсин;

тиббиёт ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳақини оширишга, соғлиқни сақлаб ҳодимларининг меҳнатига тиббий хизматларнинг мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, соғломлаштириш ва даволаш бўйича тегишли мактаблар ҳамда йўналишларни шакллантириш мақсадида, биринчи навбатда кардиохирургия, нейрохирургия, реаниматология, неонатология, микрохирургия, интервенциявий кардиология, эндовидеохирургия каби ва бошқа энг муҳим замонавий тиббиёт йўналишлари бўйича юқори малакали ва атоқли мутахассис врачларнинг

меҳнатига ҳақ тўлаш борасида зарур шарт-шароитларни яратиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудлар бўйича «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг аниқ-равшан тадбирларини ишлаб чиқадиغان ҳудудий комиссиялар тузилсин ва улар икки ҳафта давомида Республика комиссиясига тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2005 йилнинг 1 февралига қадар тиббиёт ходимлари, биринчи навбатда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш, шунингдек соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига тиббий хизматлар ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этиш бўйича таклифларни тўлиқ ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 декабрь

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Сухбат чоғида ўзаро стратегик ҳамкор давлатлар ҳисобланган Ўзбекистон ва Россиянинг марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамла-
ниб бораётганидан мамнуният ихвор этилди. Бу ўзаро тажриба алмашиш имкониятларини оширади, самарали мулоқотлар изчиллигига янада кенг йўл очади.

А.Вешняков Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтиши мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу улкан сиёсий воқеа Президент Ислам Каримов раҳна-

молигида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳам-
жамияти назарида тобора ортиб бораётган обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғли ҳамохан эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган гоят масъулиятли жараёндир.

Учрашувда Ўзбекистонда бўлажак парламент сайловиغا тайёргарлик жараёни ҳамда унда Россия Марказий сайлов комиссияси вакилларининг кузатувчи сифатида иштирок этишига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни А.Вешняков Ўзбекистон ташқи ишлар вазири С.Сафаров билан ҳам музоқара ўтказди.

лов жараёни билан боғлиқ ишларга катта масъулият билан, пухта ёндашилаётгани кўриниб турибди.

Ташрифимиз давомида Олий Мажлис, Марказий сайлов комиссияси ва бошқа ташкилотларда қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотлар асосида ҳам сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари иштирок этаётган бўлғуси сайловлар ҳақиқий демократик асосда ташкил этилаётганига амин бўлдик. Сайлов иштирокчилари ўз дастурларини сайловчиларга етказиши учун тенг шарт-шароит яратилган.

Демократик сайловларнинг хусусиятларидан бири - рақобатдир. Чунки, ҳар қайси бир маддатли округда депутатликка ўртача олганда тўрт номзод кўрсатилган. Буларнинг ҳаммаси сайловчиларга мўноси номзодни онгли танлаш ҳуқуқи берилганидан далолатдир.

Уйлайманки, ана шундай демократик тамойиллар асосида сайланган янги парламент Ўзбекистоннинг тарақиётига ва албатта, биринчи навбатда, мамлакат фуқаролари манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хорижий кузатувчилар учун қўлланма - «Памятка для иностранных наблюдателей» - «Memo for foreign observers» китобини рус ва инглиз тилларида кўп миң нусхада чоп эттирди.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР УЧУН ҚўЛЛАНМА

Унда Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш тўғрисидаги қарори, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг календарь режаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича тузилган 120 округ сайлов комиссияси рўйхати ва адреси, почта индекси, раисларининг исми-фамилияси ҳамда телефон рақамлари берилган.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида» (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги қонунлардан кўчирмалар, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»-ги қонун, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг йўриқнома ва низомлари матни келтирилган.

Тўпламдан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, жумладан, ахборот агентликлари, марказий ҳамда маҳаллий телеканаллар, радиостудия ва даврий нашрлар манзиллари, шунингдек, кузатувчиларнинг мазмунли дам олиши учун кинотеатр ва театрлар тўғрисида ва бошқа зарур маълумотлар ҳам жой олган.

ТАШВИҚОТ ПЛАКАТЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ташвиқот плакатларини нашр этди.

Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур плакатларда сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли, мақсад ва интилишлари, сайловдаги дастури акс этган. Бу сайлов-

чининг ўзи овоз берадиган номзод ҳақида атрофлича маълумот олишини таъминлайди.

Плакатлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида, бир хил ҳажмда, ҳар бир номзод учун беш юз дондан тайёрланди. Айна пайтда улар тегишли сайлов округларига етказиб берилди. Ушбу ташвиқот материаллари сайлов участкалари, жамоат транспорти, маҳалла гузарлари ва мактаб биноларига илбиб қўйиш учун мўлжалланган.

ЎЗА

Александр ВЕШНЯКОВ: САЙЛОВ - ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда икки юзга яқин хорижий кузатувчи иштирок этиши қутулмоқда. МДХ кузатувчилар миссияси таркибига Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси вакиллари гуруҳи ҳам қиради. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тақлифига биноан Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги делегация Тошкентга келди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бүриттош Мустафоев билан учрашув бўлиб ўтди. Россия Марказий сайлов комиссияси вакиллари мамлакатимизнинг кейинги даврда янгиланган қонунчиликка асосланган сайлов тизими, сайлов кампаниясининг бориши билан таништирилди. Сайловда қатнашиш учун сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 517 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинган. Сайлов очик-лиг ва ошкоралик тамойиллари негизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз миқёсидаги ушбу муҳим воқеани ёритиш учун юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари

дан қарийб 500 нафар вакил аккредитация қилинган.

Александр Вешняковнинг фикрича, мамлакатларимиздаги демократлаштириш жараёнлари кўплаб ўхшаш жиҳатларга эга. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг босқичма-босқич йўлини танлади ва бу йўл ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ўзбекистоннинг икки палатали парламентини шакллантириш борасидаги азму қарори - демократияни ривожлантириш йўлидаги муҳим ва оқилона қадамдир.

Мулоқот чоғида таъкидландики, бундай учрашувлар тажриба алмашиш, сайлов кампанияла-

рини ташкил этиш ва сайловларни ўтказиш услубларини ўзаро ўрганишга хизмат қилади, жамиятнинг сайлов органлари зиммасига юклаган вазифаларни янада самарали ҳал этиш имконини беради.

— Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги билан танишиб чиқдим, — деди А.Вешняков журналистлар билан суҳбатда. - Асосий ҳулосам — тегишли қонунлардаги барча янги жиҳатлар Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантиришга қаратилган. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари кенгайган. Бу - Президент ва қонун чиқарувчиларнинг мазкур органга ишончидан далолатдир ва уни оқлаш лозим. Сай-

Саксмай

**«МАЛИКАИ
ТУРАНДОТ»
ХАЛҚАРО
ФЕСТИВАЛГА**

«Маликаи Турандот» асарини кўпгина театрларда сахна юзини кўрган. Бу кўвнок асар Ўзбекистон Ёшлар театри ижодий жамоасига ҳам ақиндан таниш.

Театрнинг бадиий раҳбари Наби Абдурахмонов бундан беш йил аввал шу асарга қўл урган эди. Исроил мамлакатига сахна юзини кўрган «Маликаи Турандот» ўзбек режиссёрининг бадиий маҳоратини яна бир бор намойиш қилди.

Орадан беш йил ўтиб, бу асар Ўзбекистон Ёшлар театрида сахналаштирилиб, яқинда томошабинларга тақдим қилинди.

Ўзига хос режиссурада, янгича талқинда тайёрланган бу постановка томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди.

Янги спектакль мусиқасини бастакор Дмитрий Янов-Яновский ҳамда рақсларини хореограф Малика Исқандарова яратди. Шунингдек, сахна декорациялари ҳам постановка мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, «Маликаи Турандот» яқин кунлар ичида Москва шаҳрига олиб борилди. «Россияда учрашувлар» сиори остида уюштирилган Мустақил ҳамдўстлик ҳамда Болтиқбўйи мамлакатлари рус театрларининг IV халқаро фестивалида мазкур спектакль ҳам намойиш қилинади.

**ЭКРАНЛАРДА
ЯНГИ ФИЛЬМЛАР**

Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси мухлисларга бир йўла иккита янги экран асарини тақдим этди. Улардан бири «Тандир» деб аталса, иккинчиси «Ханжара» деган ном олди.

Режиссёр ва муаллиф Умид Ортиқов бошчилигида суратга олинган «Тандир» фильмида тандир алангаси ва мўҳир новвой кизлар юмушлари орқали ризқ-рўзимиз ҳисобланган азиз ноннинг юзага келиши жараёни ўз аксини топган. Киношунё олимга Ханжара Абдуқосимова билан жонли мулоқот «Ханжара» фильмида воқеий тасвирини топди. Илм-фан захматкашларининг изланишлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу экран асари кинорежиссёр Собир Назармухамедовнинг навбатдаги ижодий маҳсули бўлди.

ГАСТРОЛЬ

СПЕКТАКЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри ўзининг навбатдаги гастролларига кизгин тайёргарлик кўрмоқда. Санъат қошонасининг балет труппаси ҳам чет элларда ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилади.

Хитой Халқ Республикасига уюштирилган ижодий сафар дастури ҳам эътиборни ўзига тортади. «Оқуш кўли», «Золушка» деб номланган балетлар хитойлик томошабинларга тақдим этилади.

Театр санъаткорлари яна бир гастроль арафасида туришибди. Уларни Иркутск шаҳри томошабинлари кутишмоқда.

Бу ижодий сафар чоғида театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган бир неча сахна асарлари намойиш қилинади.

Шахноза ТОЛИПОВА,
Тошкент молия институтини талабаси

Ёшлар — келажагимиз

**ПОЙДЕВОРНИНГ
МУСТАҲКАМЛИГИ —
ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён соғлом фикрли янги авлод шаклланди. Бугунги ёшлар ҳаётнинг турли соҳаларида — ўқишда, жамоат ишларида, спортда ва бошқа соҳаларда қатор муваффақият ва ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тим-солида шу халққа хос фазилатларини намоеън этадиган, унинг орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойиллик кўрсатишга қодир ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир». Шу маънода ёшлар бизнинг умид ва келажагимиз бўлиб қолмоқда. Бинобарин, ёш авлоднинг Миллий истиқлол руҳи, замон талаблари асосида маънавий ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш жамиятимизда бош омилга айланган.

Бу эса ёшлар маънавиятини янада юксалтиришни, уларни ўз халқига, миллатига, юртига содиқ инсонлар қилиб, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ҳудудларни улуввор ниятлар йўлида бирлаштиришни тақозо этади. Лекин бу осон кўчадиган, силлиқ иш эмас. Мақсадли

таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларнинг катта аҳамиятидан қатъи назар инсон учун энг асосий устоз — ҳаётнинг ўзи.

Қасб-хўнар эгаллашга интилишдаги лоқайдлик, илм-маърифатга нисбатан бепарволик натижасида айрим ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топа олмапти. Бу муаммонинг юзага келишида биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Ҳаётийлик билан истақларимиз ўртасида тафовутнинг мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Биз эскича усуллардан воз кечиб, ёшлар дунёқарашининг Миллий истиқлол руҳида шаклланишига имконият яратмоғимиз шарт. Энг асосийси эса ёшлар билан иш олиб бориш кундалик зарурий иш тарзида амалга оширилмоғи керак.

Биз ёшларга тарихимиз, маънавий меросимиз, бугунги мақсадларимиз, эртанги буюк келажагимиз тўғрисида асосли тушунчалар, билимлар бериши-

миз, ўзларини англаб етмоғи учун имкон яратмоғимиз даркор. Зеро, ёшлар — келажагимиз пойдевори, уларнинг тарбияси ва муваффақияти озод ва обод Ватан, онгли фуқаро, фаровон ҳаёт демакдир.

Биз мумкин қадар тезроқ айрим ички таҳдидларни бартараф қилишимиз, ижтимоий фаоллигимизни оширишимиз керак. «Олма пиш, оғзимга туш» деган билан иш битмайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг Иккинчи қақриққ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек — «Ким келиб бизнинг ишларимизни қилиб, муаммоларимизни ечиб беради, табиий ер ости бойликларимизни юзага чиқаради, ишга солади? Ким ўзидан-ўзи энг замонавий технологияларни олиб келади? Ким уни жорий қилади? Ким замонавий корхоналарни қуради? Ким ўзбек миллатининг билими, савиясини кучайтиради, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтаради?» Маърузада қатъий таъкидланганидек, албатта ўзимиз!

Бугунги кун юртошларимиздан Ватаним менга нима берди деб эмас, мен Ватанимга нима бердим, деб яшаш кераклигини тақозо этмоқда.

Олдор БОБОНОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими

Пойтахтимизда Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги шодоналари кунларида «SHARK MODEL» янги кўшма корхонаси иш бошлаган эди. Айни кунларда корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари хорижий давлатларга экспорт қилиш арафасида.

Кўшма корхоналарда

**САКСОН БЕШ ФОНЗИ
ЭКСПОРТГА**

Туркиянинг «Kreks Tekstil Giyim San. Tic LTD STI» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўшма корхонада ҳозирда 450 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланган бўлиб, улар цехларга ўрнатилган Япония ҳамда Германиянинг замонавий дастгоҳ ва ускуналари қувватидан унумли фойдаланган ҳолда сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқаришмоқда.

— Ҳозирда корхонамизда меҳнат қилаётган тўқувчи ва тикувчиларнинг, моделёр дизайнерларнинг саъй-ҳаракатлари боис 50 турдан зиёд катталар, болалар ва ўсмирлар учун кийим-кечаклар тайёрлашмоқда.

— Ҳозирда корхона директори Фарҳод Расулов. — Корхонамиз йилига 7,2 миллион донна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, шундан 3 миллион донна болалар учун мўлжалланган трикотаж товарларидир. Ишлаб чиқарилган рақобатбардор маҳсулотларимизнинг 85 фоиздан зиёдиди Америка Қўшма Штатлари ҳамда Европа

зорида харидорлигини таъминлаш учун эса маркетинг ишларини изчил йўлга қўйганмиз. Албатта, маҳсулотнинг бозоригир турларини яратишда кўшма корхонадаги



САД-САМ тизими бўйича ишловчи моделлаштириш ва дизайн бўлимининг ҳисаси салмоқлидир. Ушбу бўлим фаолияти янги моделларни яратиш ва тезкорлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имкониятини яратади. Натيجанда маҳсулотнинг янги ва замонавий турлари харидор дид ва эҳтиёжини қондириши табиий.



давлатларига экспорт қилишни режалашганмиз. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқни «SHARK MODEL» маҳсулотларининг жаҳон бо-

Келгуси йилда тadbиркорлар маҳсулот турларини янада кўпайтиришни, ишлаб чиқариш ҳажмини эса оширишни кўзда тутишмоқда. Уларнинг асл мақсади жаҳон бозорига ўз ўрнига эга бўлиш баробарида мамлакатимиз иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўйишдир.

Дилноза СОДИҚОВА
СУРАТЛАРДА: кашта тикни цехида; каштачи Фарида Абдуллахонова ўз ишини усталик билан уддалайди; корхона маҳсулоти.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.

Саксмай

**ТАҲСИНГА ЛОЙК
«ОФАРИН»**

Бугунги кунда жаҳон маданиятида замонавий рақс санъати ўз ўрни ва маънаига эга. Замонавий рақс театрини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги (ҳозирги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги)нинг 2002 йил 29 декабрдаги қарорига биноан Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри қошида рақс гуруҳи тўзилиб, ўз фаолиятини бошлаганига ҳам бир йилдан ошмироқ вақт ўтди.

2003 йил март ойида «Офарин» рақс театри гуруҳи ўзининг ilk концертини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Концерт барчанинг узоқ вақт эсида қоларли даражада жуда яхши ўтди.

Ушбу рақс театри кўни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида ўзининг 2004 йил учун янги ҳисобот концертини томошабинлар ва мутахассислар ҳўкмига ҳавола қилди.

Мумтоз, замонавий жанрларда ижро этилган рақслар ўзининг миллийлиги, композицион ҳижатдан жозибадор услуби, ранг-баранглиги билан томошабинларни ҳайратга солди.

— Биз, — дейди «Офарин» гуруҳи раҳбари Алиша Шамхарова, — тақрорланмас, замонавий йўналишларда изланишлар олиб бордик. — Наинки ўзбек миллий рақсларини, балки чет мамлакатлар рақс услубларини сайқаллаб, янги қирраларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Гуруҳимизда миллий рақс олий мактаби ва хореография билим юрти ўқувчилари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрининг раққосалари ҳам бор. Дарҳақиқат, Сўеидна Исроилова, Ирода Исмоилова, З.Топматов, М.Миржалилов, Т.Исламов каби 17 нафар раққоса ва раққосларнинг ўзбекча, японча, ҳиндча, гурзинча, испанча ижро этилган рақслари томошабинлар олқишига ва меҳрига сазовор бўлди.

Ўзбек миллий рақс санъатининг янгидан янги қирраларини очиб ва жаҳон миқёсида унинг ўрнини янада мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Уйлаймиз ва умид қиламизки, «Офарин» гуруҳи ўзининг дилтортар рақслари билан курраи замин халқларини мафтун этади.

Бу ишларни амалга оширишда эса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, сахналаштирувчи балетмейстер Карима Узоқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Темур Теков, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Замир Нуридметовларнинг тажрибаси, изланиш ва интилишлари ўз самарасини беришига ишонамиз ва «Офарин» рақс дастасининг келгусидаги фаолиятида омадлар тилаб қоламиз.

Гулҳеҳра ДУРДИЕВА



ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЙЛИК!

АНЪАНАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙЎЛИДА

Баҳодир СУЛТОНОВ

1954 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педагогика университети физика-математика факультетини тамомлаган. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи директори. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 39-Қозиробод сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда 131-мактабда ёшлар етакчиси сифатида бошлаган. Институтни тугатиб ҳарбий хизматни ўтаб келгандан сўнг Чилонзор тумани ёшлар ҳаракати йўриқчиси бўлиб фаолият юритди.

Унинг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, тadbиркорлик қобилиятлари тез орада келажакни ҳам белгилаб олишга асос бўлди. 1982 йилда Б.Султонов Фафур Фулом (илгариги Мирзо Улугбек) номидаги маданият ва истироҳат боғига директор этиб тайинланди. Бу вазифанинг нақадар мураккаб эканлиги, назаримизда, фақат мутахассисларга аён эди. Баҳодир Султоновнинг фаолияти давомида боғ кибфаси тўдан ўзгарди, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг энг севимли дам олиш масканларидан бирига айланди.

Ушбу соҳадаги фидокорона меҳнатлари учун Баҳодир Тўхтамуродович Султонов 2000 йилда «Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди. 2003 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Б.Султоновнинг сайловолди дастури энг долзарб, Фидокорлар миллий демократик партиясининг устувор йўналиши ҳисобланган ижтимоий масалаларни қамраб олган. Дастурда у куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда:

— ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш;

— инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарали тизимини яратиш;

— экологик вазиятни соғломлаштириш;

— Ўзбекистонда яшайётган барча халқларнинг миллий анъаналари, маънавий меросини бешиқсиз сақлаш ва янада ривожлантириш;

— сўз эркинлиги, эркин шахс ва эркин жамият таъминловини ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш;

— соғлом турмуш тарзини фаоллаштириш борасида ёшлар учун турли тўғарақлар ташкил этиш.



НИМА УЧУН...

Хусниддин ЭРГАШЕВ

1970 йилда Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилган. Мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ Хусниддин билимга чанқоқлиги, ҳақиқат ва адолатпарварлиги, ҳаракатчанлиги, алоҳида истеъдодлари билан ажралиб турарди. Юқори синфларда ўқиб юрган кезларида сиёсат, ҳуқуқшунослик фанларига эътибор бера бошлади. У

синфдошлари орасида етакчилик ва ташкилотчилик қобилияти билан кўзга ташланди. Мактабдаги ташкилий ишларда ҳам фаол қатнашди. 1987 йилда намунали хулқ ва Фахрий ёрлик билан мактабни тугатди.

Хусниддиннинг отаси ҳуқуқ-тартибот соҳасида профилатика номири сифатида фаолият юритган ва ўғлини ҳалоллик руҳида тарбия қилишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга ҳаётда ажойиб суҳбатдош, ҳазил-мутойибага қизиқувчанлиги, адабиёт санъатга бўлган меҳри Хусниддиннинг Тошкент Давлат маданият институти режиссёрлик факультетига ўқишга киришига сабаб бўлди. Ҳаётнинг пасту баландлари иродали бўлишга ундади. 1990 йилда ўқини давом эттириш билан бирга устачилик билан ҳам шуғулланди ва унинг ажойиб хунармандлиги қирралари кўзга яққол ташланди.

1993 йилда институтни тамомлаган, Ўзбекистон телевидениеси «Ешлик» студиясига ишга келди. Уз ҳаётини машаққатлар ва ҳалол меҳнат билан шакллантирганлиги боис, халқнинг дардини, изтироб ва хурсандчилигини билганлиги туфайли бир қатор ҳаётий кўрсатувлар яратиб, муаммоларни ҳал қилувчи гоёларни илгари суриб, Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ҳам ҳурмат-эътибор қозонди. Уз устозларига нисбатан ҳурмат, шогирдларига бағри кенгликда бўлиш каби ҳислатлар, иш жараёнида раҳбарлик қобилияти кўзга ташланганини инобатга олган ҳолда раҳбарият уни «Ассалом, Ўзбекистон» тонгли дастурига режиссёр, 1997 йилда — бош режиссёр, 2001 йилда эса «Тошкент» телеканалининг бош режиссёри этиб тайинлади. Шунингдек, Хусниддин Эргашев Фидокорлар миллий демократик партиясига сафига ўз гоёлари йўлида иш олиб бериш учун кирди. Партия томонидан топширилган ҳар бир тарғибот, ташвиқот ишларини сидқиқидан бажариб келмоқда. «Нима учун?», «Ҳамшаҳарлар», «Ишонч» ва «Тошкент ва тошкентликлар» кўрсатувлари орқали томошабинлар ва ҳамшаҳарларимиз билан доимий мулоқотда бўлиб келмоқда. У ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан инсон. Элим деб, юртим деб ёниб яшайётган Хусниддин Эргашев ҳар доим, кечаю-кундуз ҳалқ хизматида бўлар экан, сизларнинг, азиз сайловчилар, ҳамшаҳарлар, муаммоларингиз, ташвишларингиз уни ҳеч қачон бефарқ қолдирмайди.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ

Қумрихон КАРИМОВА

1963 йилда Марғилон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1985 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган. «Автохамроҳ» журналы бош муҳаррири. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 55-Мустақиллик сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.

К.Каримова ўз сайловолди дастурида Фидокорлар Миллий-демократик партиясининг асосий гоёси — фидойиллик гоёсига алоҳида эътиборини қаратган. «Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимиз

фукорларининг яшashi, ишлаши, ўқиши учун барча ҳуқуқий, ижтимоий, моддий шароитлар яратилмоқда. Биз ҳар биримиз ўз иш, ўқиш жойимизда ўзимизга юклатилган вазифага сидқиқидан ёндошсак, зиммамиздаги ишимизни аниқ, сифатли бажарсак, умумтарққибёт йўлига катта ҳисса қўшган бўламиз... Фидокорлик гоёси лоқайдлик, боқимандлик, қатъиятсизлик, журъатсизлик, қуруқ истеъмолчилик гоёсига доимо қаршидир. Биз ўз тақдиримиз, ўз ҳаётимиз фаровонлигини ўзимиз қуришимиз керак. Бугун жамиятимизда бунинг учун барча шарт-шароитлар бор. Бизнинг партия ўз ҳаракатида барча фукорлар, айниқса, ёшлар ҳамда ўрта мулкдорлар қатламига таянади», деб таъкидланади, хусусан, номзод дастурида.

Ҳўш, ўрта ижтимоий қатламнинг ўзи нима? — Ўрта қатлам бу — ўз шахсий мулки, яъни турар жойлари, шахсий транспорт воситаларига эга бўлган, ўзи ва оиласининг ҳаётини муносиб тарзда таъминлай оладиган, ўзининг ва оила аъзоларининг фунда-

ментал эҳтиёжлари (таълим олиш, дам олиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни қондириш учун етарли моддий имкониятлари мавжуд бўлган ва энг муҳими — бу имкониятни ўз иш ҳақи ва даромадлари эвазига таъминлай оладиган ҳамда фаол равишда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этадиган фукорлардир, — дейди Қумрихон Каримова.

Сайловолди дастурига Қ.Каримова шунингдек, умумий адолатни ўрнатилишни синалган воситаларидан бири — жамият ўрта қатламини барпо этиш, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққийоти барқарор ривожланиш манфаатлари асосида йўлга қўйилишининг назарий-амалий ва илмий асосларини ишлаб чиқиш йўналишларини киритган.

— Менинг фикримча, биз энг аввало кишиларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишимиз лозим, — дейди номзод. — Албатта, эркин ва фаровон ҳаётга қўл қовуштириб ўтирган билан эришиб бўлмайди. Биз йирик, ўрта ва кичик корхоналарни ишга туширсак, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бошқорб, рақобатбардош бўлишига эришсак, маҳсулотларни нафақат юртимиз, балки чет элларга ҳам олиб чиқсак мақсадга мувофиқ бўларди. Кичик бизнесни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлардан янада унмилроқ фойдаланишни йўлга қўйиш учун одамларнинг ҳуқуқий онгини ошириш уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида муҳим аҳамиятга эгадир.

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Низом СУЮНОВ

1974 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент фармацевтика институтининг катта лаборанти — фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси таъқикотчиси. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 11-Академик сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.

Низом Суюнов ўз сайловолди дастурида куйидаги мақсад ва вазифаларни илгари сурмоқда:

1. Аҳоли муаммоларини маҳалла фаоллари билан муҳокама қилган ҳолда, тегишли муаммоларни ҳоқимият ва киллик органларига доимий равишда бевосита тўлиқ ва батафсил етказиб бериш.

2. Ялли ички маҳсулот ўсишининг манбаи, яъни мамлакатнинг иқтисодий ўсишини белгилوочи нафақат оддий мулкдорлар синфини, балки товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи мулкдорларни қўпайтиришга, шунингдек давлат бошқарув аппаратини қисқартиришга ва баъзи илмий-теқшириш институт тармоқларини бирлаштиришга, фукорларнинг ҳаёт даражасига мувофиқ келадиган ўсиб боруви пенсия ва иш ҳақи билан таъминлаш ва пенсия ҳақидаги янги қонунни қўллаб-қувватлашга йўналтириш.

3. Хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг реал ишига мувофиқ равишда жамоат транспорти, газ, электр энергияси, сув, коммунал хизматлари, уй-жой тўловларини камайтириш.

4. Банк тизимидаги салбий ҳолатларга чек қўювчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида қатнашиш.

5. Шаҳар ва кичик шаҳарлардаги жамоат жойлари,

йўлкалар, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва улардан фукорларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланишга қарши курашиш.

6. Касаба уюшмалари ва жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, уларга меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳақиқатан ҳимоя қилувчи имкониятларини бериш.

7. Соғлом бизнес ва тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жадал равишда ривожланишига шароит яратиш.

8. Ёш кадрлар тайёрлашнинг цивилизациялашган молиялаштириш усулларига ўтиш.

9. Мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда меҳнат фаолияти ва уч йил давомида олиб борган илмий-таъқикот, изланишлари туфайли олган билим ва тажрибаларини умумлаштириб, халқ саломатлигини тиклашда аҳолининг эҳтиёжи, турмуш тарзи ва маданиятидан келиб чиққан ҳолда, эҳтиёж учун кенг ассортиментли, сифатли ва юқори самардорликка эга бўлган дори воситаларини етказиб беришда шаҳар ҳудудидидаги давлат тизимидаги ва турли хил мулк шаклидаги улғуржи ва чакана савдо билан фармацевтик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга фикр ва мулоҳазаларни бевосита ҳоқимият вакиллари органлари орқали етказиш.

Номзод доимо халқ билан бирга бўлиб, унинг манфаатлари учун хизмат қилишни ўзининг олий мақсади деб билади.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Абдуқаҳҳар
ТОШМУҲАМЕДОВ

1952 йилда туғилган. «Чилангар-тижорат» хусусий фирмаси директори. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 53-Туркистон сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.



Депутат деганда кўз олдимизда қандай одамнинг сиймоси гавдаланади? Кенг ва ёруғ хоналарда оқ қўйлақка монанд галстук таққан зиёли кўринишидаги инсон келажак режалари ҳақида нуқт ижод қилаётгани табиий ҳолдек кўринади. Лекин Фидокорлар миллий демократик партиясидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган Абдуқаҳҳар Тошмухамедов мутлақо бошқача одам. Унинг бутун умри халқ ичида ўтган, ҳозир ҳам оддий одамлар билан ҳамнафас. Бошқалардан қайси хиҳатларига кўра ажралиб туради десангиз, халқ ҳаётини жуذا яқши билади. Юртимизда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш учун нималарга эътибор бериш керак, ҳаётимизни янада юқори даражага кўтариш учун қандай амалий тақлифлар бор - бу борада А.Тошмухамедовнинг ўз кўнгидаги ўй-режалари мавжуд. Айни шу борадаги фикрларни баҳам кўриш, миллатнинг дардида дармон бўлиш учун депутатликка номзодини қўйиш тақлифига рози бўлганди. Бу йўлда Абдуқаҳҳар Тошмухамедовга омад тилаймиз.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲУНГАНИЙ

ДОМО БУЛГҮ...

• Келтиришларича, Бани Исроил қавми орасида бир киши бўлиб, у дарё сафарига чиққан эди. Ногоҳ қаттиқ шамол кўзғалиб, кема қояга урилди ва кемадаги кишилар фарқ бўлди. Халиги киши эса кемадан ажралган бир дон тахтага иланиб, қирғоққа чиқишга муваффақ бўлди. У қирғоқда тўпланиб турган амир ва вазиридан иборат бир тўда отлиқларни кўрди. Отлиқларнинг кўзи ҳалиги кишига тушиши биланок, барчаси отдан тушишди ва унинг устига шохона хилхатлар ташлашиб, иззату икром билан шаҳарга олиб келиб, салтанат тахтига миндиришди. Халиги киши таажжубланиб ўзича: «Ё тавба, бу қанақа сир бўлди?», дерди.

У бир неча кун дам олиб ўзини ростлаб олган, хаёлга чўмиб деди: «Улим чангалидан кутулиб, салтанат тепасига чиқиб қолдим. Ҳарқалай тирик қолганимга шукр қилмоғим, бундан кейин ахволим не кечишини ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўрмоғим зарур».

У шундай деб вазирилар орасида энг доно саналган вазири йўқлатди. Уни ўз сирларидан хабардор қилди. Вазир ҳам уни мамлакат сирларидан воқиф қилиб деди:

— Бу халқнинг ҳар йилда тайин қилган бир куни бўлиб, уша куни барчаси тўпланишади ва подшони тутиб олиб шаҳар четидан ўтувчи катта дарёга улоқтиришади. Эртасига эса узоқдан келаётган мусофирини тутиб олишиб, тахтага ўтказадилар. Унга эса бу сирни ошқора қилишмайди. Ҳар йили шу ахволни такрорлайдилар.

Подшо деди:
— Эй вазир, ҳозир қўлимизда имконият борлигида бу балодан кутулишимиз даркор. Чорасини топ!

Вазир ўйланиб туриб деди:

— Дарёнинг нариги бетида бир чангалзор бўлиб, доимо кўм-кўк бўлиб туради. У ерда ҳеч ким яшамайди. У ерга уста ва боғбонларни юборайлик, улар чиройли бинолар барпо қилишсин, атрофни боғроғларга айлантиришсин. У ерга яхши матолар ва бойликларни юборамиз. Сузувчи гуломлар ва кemasозларга эса кема ясаиб кўямиз. Сенинг подшоҳлик мухлатинг тугашидан олдинроқ мен у ерга бораман. Кема ва сузувчиларни юбориб, сени кутқариб олам.

Эртасига халқ подшони тутиб дарёга улоқтирдилар. Вазир томондан тайёрлаб қўйилган фаввослар подшони тутиб олиб, кемага чиқардилар ва янги шаҳарга элтдилар. Подшо, вазир ва у ерга олиб борилган халқ осойишта ҳаёт кечира бошладилар.

Сухбатдошимиз ана шундай ёш истеъодлардан бири Бунёд Абдуллаевдир. Бу санъаткор томошбиларига «Муҳаббат» ашуласи орқали яхши танилган. 1994 йилда Фаргона Давлат санъат билим юртини, 1995 йилда эса Ўзбекистон Давлат консерваториясини тамомлаган. Бугунги кунда у «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ижодий жамоалар дирекциясининг яққохон хонандасидир.


— Бунёджон, айтинчи, сизнинг санъат соҳасини танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Ушбу касбни танлашимга аввало менинг санъаткор оиласида дунёга келганлигим сабаб десам янглишмайман. Ушбу соҳада менга дастлаб отам, таниқли санъаткор Исмоил Абдуллаев устозлик қилган. Мусиқа соҳасига бўлган қизиқишим мени Марғилон шаҳридаги 10-мусиқа мактабига бошлаб келди. Сўнгра таҳсилни Фаргона Давлат санъат билим юртида, кейинчалик эса Ўзбекистон Давлат консерваториясида давом эттирдим.

— Санъат йўлингиз тўғрисида гапириб берсангиз.

— Қўшиқчилик санъатига мен маълум босқичларни ўтгач кириб келдим. Дастлабки фаолиятимни мусиқа асбобларидан куй ижро этишдан бошлаганман. Қўшлаб ижодий гуруҳлар, санъат-

корлар билан биргаликда ишлашим мен учун ўзига хос бир мактаб вазифини ўтди. Сўнгра оранжировкачи (сайқал берувчи) сифатида ҳам фаолият кўрсатдим. Мана, эндиликда



Қатор чора-тадбирлар амалга ошириляптир. Хусусан, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан биридир.

хонанда сифатида дастлабки қадамни қўйдим.

— Хонанда сифатида ўз олдингизга кўплаб режаларни қўйган бўлсангиз керак? Улар тўғрисида айтиб ўта оласизми?

— Мен ўзбек мумтоз куйларини замонвий оранжировкада ижро этишни режалаштирипман. Уларда Шарқ ва Фарб мусиқа аъёналарига хос хусусиятлар мужассамлашиши керак. Бу нар-

Хонанда билан сухбат САНЪАТКОРЛАР СУЛОЛАСИ

Бугунги кунда мамлакатимизда санъат соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилляптир. Хусусан, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан биридир.

са ёш созандаларнинг ҳақиқий миллий санъатимизга бўлган қизиқишини янада кучайтиради деган умиддаман. Айни вақтда дастлабки синовдан ўтган қўшиқларим учун мусиқий клиплар ишланаптир. Улар билан келгусида республикамиз миқёсидаги тадбирларда иштирок этишни мўлжаллаяпман. Бу борадаги мақсадларимни амалга оширишда ўз ёрдамларини аямаётган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ижодий жамоалар дирекцияси раҳбариятига катта миннатдорчилигимни билдираман.

— Оилангиз тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Юқорида мен санъаткор оиласида дунёга келганлигим тўғрисида айтиб ўтган эдим. Ўз оилам тўғрисида ҳам айнан шу фикрни билдирсам хато бўлмайдим. Турмуш ўртоғим Гулшаной ҳам санъаткор. У Ўзбекистон Давлат консерваториясида дарс беради. Тўнғич фарзандим ҳозир Успенский номидаги мусиқа мактабидан таҳсил олмоқда. Оиламизни ўзига хос санъаткорлар сулоласи деса ҳам бўлади.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун таъаккур! Келгуси ишларингизда сизга омад ёр бўлишига тилакдошимиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: Бунёд Абдуллаев

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмуни ўтказиш, уларда шаклдорлик қобилиятларини шакллантириш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида жойларда кўпгина тадбирлар ўтказилмоқда.

Танловлар

САРДОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими ташаббуси билан Амир Темур гузарига «Сардор — 2004» кўрик-танлови ўтказилди. Унда туманда жойлашган ўрта махсус касб-ҳуна қоллежлари, мактаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари раислари, жами 65 та сардор қатнашди. Тадбир давомида ўқувчилар зукколик-

да, топқирликда, куй-қўшиқларини айтишда, рақса тушишда ўз маҳоратларини кўрсатдилар «Ким иқтидорлироқ?», «Жуфтликлар синови», «Кимнинг иш-тахаси зўр?», спорт мусобақаси каби шарҳлар бўйича куч синашди.

Бир сўз билан айтганда, сардорлик қобилиятларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этдилар.

Уларнинг чиқишларини одиллик билан баҳолаб борган ҳайъат аъзолари биринчи ўринга Фаррух Омонов ва Севара Абидоваларни лойиқ деб топдилар. Иккинчи ўрин Шаҳло Жўраева ҳамда Дониёр Тўйчиев, кейинги ўрин Маҳфуза Қосимова, Акмал Қорабоевларга насиб этди.

— Тадбирла иштирок этган барча ўғил-қизлар қалбидан

ушбу шодиёна кечаси анча вақт сакланиб қолади деб ўйлайми.

— Уларнинг бор мақоратларини ишга солиб, катта саҳнада куй-қўшиқлар ижро этган сардорлар учун кейинчалик ҳам бундай имкониятларни яратишга ҳаракат қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИХ Сергели туман бўлими қўшиқчиси «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчехра Усмонова.

Кўрик-танловда голиб бўлган ҳамда иштирок этган ўқувчиларга ҳомийлар томонидан совға-саломлар улашилиб, қизиқарли концерт дастури ташкил этилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

Семинарлар

ИССИҚЛИК ТЕХНИКАСИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Иссиқлик техникаси ривожланишидаги муаммолар. Иссиқлик энергетикасида замонавий ускуна ва технологияларни яратиш» мавзусида чет эл олимларининг илмий ишлари тақдим этилган Республика илмий-техник семинари бўлиб ўтди.

аммолар, истиқболни белгилашга, таълим-тарбия ишида хизмат қилиши шубҳасиз.

Семинарда Ўзбекэнерго давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти, «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Термоком» ёпиқ акциядорлик жамияти, Тошкент Давлат техника университети ва унинг энергетика институти кабиларнинг ушбу семинарни ўтказишда ҳамда университетнинг «Иссиқлик техникасининг назарий асослари» кафедраси билан ҳамкорлиги ва ҳомийлиги эътиборга лойиқ деб таъкидланди. Шунини айтиш

лозимки, семинарнинг ушбу кафедра томонидан ташкил этилганлиги бежиз эмас эди. Зеро, 75 йил бугун ташкил топган кафедра, илмий педагогик, амалиётчи кадрлар салоҳияти билан ҳозирги кунда республикада етакчи.

Иссиқлик техникаси йўналиши бўйича академик Р.Зоҳидов, доцентлар Л.Тактаева, М.Короли, М.Ҳошимова, техника фанлар номзоди А.Анорбоевлардан иборат илмий-педагогик жамоани ўзида мужассамлаштирган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида илмий-педагогик кадрларни самарали тайёрлаш мақсадида кафедра билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Энергетика ва автоматика» институти, «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузилиб ушбу илмий текшириш институтида кафедранинг филиаллари очилди.

Семинар кунлари кафедра қошида ташкил этилган музей очилди. Ва у талабаларнинг ўзи танлаган йўналиши бўйича фан асосларини тушунишларида, қомил инсон бўлиб етишишларида ёрдам беради.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат
техника университети доценти

Биласизми?

ВЕНЕРАНИНГ «ТУФЛИЧАСИ»

Она табиат мўъжизаларга бой. Ер юзида гуллар ичда орхидеядан сирлироқ гул бўлмаса керак. Шунинг учунми, унинг келиб чиқиши билан боғлиқ афсоналар кўп.

Севги-муҳаббат маъбудаси Венера бир кун ирмонга бориб влғиз сайр қилмоқчи бўлибди. Табиат гўзаллиги уни мафтун этиб, бир оз дам олиш ниятида оёқ кийимини ечиб ёнбошлаб, кўзларини юмган ҳолда хаёл сура бошлабди. Шу вақт атрофдан келаётган сирли овозлар уни безовта қилибди. Венера ўрнидан туриб, шоша-пиша ортга қайтибди. У дам олган ўт-ўланлар устида оёқ кийимини унутиб қолдирибди.

Эртаси кун тонгда ўша ердан ғайриоддий шакл ва рангга эга бўлган гуллар унб чикади. Ушбу нозик гулларнинг гўзаллиги минг афсуски, нафақат ўсимликларни жон-дилидан севувчиларни балки, ақлсиз ишқибозларни ҳам қизиқтиради.

Испаниялик гул ишқибозлари Европага биринчи тропик орхидеяни олиб келишгандан сўнг саргузаштлар кетидан қувувчи юзлаб одамлар унинг янги нусхаларини топишга интиладилар.

Кизил китобга киритилган орхидеянинг ушбу нави «Венеранинг туфличаси» деб номланган экан.

ЭНГ КЎХНА ГЛОБУС

XVII асрнинг биринчи ярмида Голштиния (Даниянинг жанубидаги худуд) герцогининг буйруғи билан жаҳонда биринчи глобус — планетарий қурилди ҳамда герцогнинг Готторп қасридаги қароргоҳига ўрнатилди.

Глобус ичи бўш, юпка деворлари шардан иборат бўлиб, кўндаланги 3,3 метр эди. Унинг сиртида китъалар, океанлар, дегизлар, тоғлар, ўсимликлар ва аҳоли ашайидган йирим пунктлар ичда эса Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг юлдузли осмони тасвирланган эди.

Шарнинг ўртасида кўзгалмас темир ўқ ўтказилган, ўққа айлана стол ва ўн киши сизгадиган курси ўрнатилганди.

1713 йилда Голштиния ҳокими глобусни Пётр Iга совға қилди. Пётр I катта кийинликлар билан, кўп маблаг сарф қилиб глобусни Петербургда келтирди.

1747 йилда глобус сақланмаган музейга ўт кетди. Энг қимматбаҳо ёдгорликлар билан бирга Готторп глобуси ҳам қулга айланди.


ҚАЙСИ ДАРАХТ БАЛАНД?

Аксарият ўсимликлар дақиқасига 0,005 миллиметр ўсади. Ковокнинг ўсish тезлиги ҳар дақиқада 0,1 миллиметрни ташкил этса, айрим кўзқоринлар 5 миллиметргача ўсади.

Дарахтлар ичда бамбукка тенг келадиғани йўқ. У соатиға 2 сантиметрга ўсиб, 5-6 ҳафта ичда 18 метрга буй қўзади. Лекин буйи 38 метрга етгач, у ўсишдан тўхтайдиган.

Ялли баландлиги буйича эквалипт ер юзида танҳоқодир. Унинг буйи 255 метрга етиши мумкин.

Секвоя ҳам ундан қолишмайди — 150 метр, бошқа дарахтлардан арафеария 60, эман 50, келд 40, қайин 30 метргача ўсиши мумкин.



Шоҳрият бўстончи

ЎЗИ КАШФ АЙЛАГАН

Ким қандай эканин, Оллоҳ билади
Заррага жон тутган, Ягона ул зот.
Хатто, кумурсқани кўзга илади,
Илоҳий асари, сарвар коинот.
Ўзи кашф айлаган фонус-и Қуёш,
Балки, абадулга ёниб, туражак,
Бандаси Яратган турфа кашфиёт,
«Ду» дунё орасин, нурга қоражак.

Навбат келганида келдик дунёга,
Навбат келганида яна кетарми.
Навбати етганда, етмай зиёга,

Юлинган гўдақлар, дерлар — нетармиз!
Шунча зарурмиди, бунёдга қасам?
Улар Чўлпонмиди, Бехоздмиди ё.
Бу, қандай ечимдир,
кажрафор? — десам.
Елкасин қисганча айланар дунё.

Лойимни қаттиқроқ эзгила қулло,
Меҳнатинг беҳуда бўлмасин увол.
Яшаган фаслимда жуда хом бўлдим,
Пиширган кўзганда порласин ҳилол.

Камситмай деб, Ҳақ,
ёпмагай пардасин,
Ким кўтарар, ноқис фикрат зардасин,
Аламингни бугўди рангга чаплама,
Гуноҳи не, офтоб кўрган бандасин!

«Олам ғирромхона», деди, бир ноълон.
Дедик: гаглариди бордир бирор жон.
Бахтини толганда имонлик бўлиб,
Ундай эмаслигин, кўрсатди жаҳон!

КЕЧГА ҚОЛИБМАН

(ярим ҳазил)

Ҳақ, эпчиллик улашганда
Мен, энг ортада борибман.
Барча, ранг-чун курашганда,
Яна кенга қолибман.
Абжирлиғи, Алифликни,
«Спортчи» олган экан.
Мендек анқов шоир учун,
Ушоғи қолган экан.
Турсун МУҲАММАД

Жамият олдидиғи жавобгарликни унутиш давлат қонунларини менсимаслик, амал қилмаслик, теварак-атрофдагиларга ҳурматсизлик кўрсатиш, ниҳоят ўзини қўлга берган ва ўзгаларга тегишли мулкка қўз олайтириш, зўравонлик ёки ўғирлик, фириб бериш, алдамчилик йўли билан эгаллик қилиш ҳолатини юзага келтиради. Бунга қатор мисоллар келтириш мумкин.

Бектемир тумани шахримиздаги энг кенжа туманлардан бири ҳисобланади. Аҳолиси ҳам унчалик кўп эмас. Бу ерда 12 та маҳалла мавжуд. Маҳаллаларда ҳуқуқий тарбия олиб бориш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва аҳолининг осойишталигини таъминлаш мақсадларида ички ишлар идоралари таянч пунктлари ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирида икки нафардан профилактика инспектори хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўн бир ойида туманда 1054 та турли даражадаги ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди (2003 йилнинг худди шу даврида 1017 та). Ун бир ой мобайнида 56 нафар шахс маъмурий назоратга олинди. 132 та ичкиликбозлик, 11 та гиёвандфурушлик ҳолати аниқланди. 2004 йилнинг 11 ойида фуқаролардан тушган 325 та ариза-шикоят (2003 йилнинг худди шу даврида 284 та) профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилди.

Энди ана шу рақамлар замиридаги баъзи бир воқеликларни кўриб чиқайлик.

Ўтган йил туманимизда иккита автоуловни ўғирлаш ҳодисаси рўй берганди. Бу йил ҳам шунча микдорда автоуловни ўғирлаш жинояти юз берди.

Шу йилнинг 10 ноябрида Бектемир туманининг Тошкент Халқа йўлидаги «Бахт» кўли ёнида уч нафар номаълум шахс Сергели туманидаги Қўйлик даҳасида яшовчи Бахтиёр Рихсиевни камар билан бўғиб, босқинчилик йўли билан унга тегишли ВА3-2106 русумли, 10 I 0398 давлат рақам белгилли автоуловнинг учта шинаси ва насосини, жами нархи 85.000 сўмлик буюмларни ўғирлаб, воқеа жойидан яши-

ринишган. Тезкор тадбирий чоралар кўрилиши, қолаверса, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими тезкор вакили, катта лейтенант Жамол Ҳайдаров ҳамда профилактика катта инспектори, майор Армон

кўлга олинди.

Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, ўзгаларнинг мулкни ўғирлаб сотиш ҳодисаси гиёвандфурушлик билан ҳам боғлиқ жараён, деб айтишдади. Гиёванд модда-

нидан қўлга олинди. Келтирилган бу мисоллар таҳлил қилинганда шу нарса аён бўлдики, гиёванд моддаларни сотиш ва сотиб олиш ҳодисаси шунчалик тирикчилик манбаи эмас, балки у энг аввало, инсон шахсидаги тақомилга етмаган тарбиянинг махсули, руҳий-маънавий тубанлик кайфиятининг ҳосиласидир. Маънан ожиз ва ноқобил шахсларгина жамият ахлоқи ва маънавиятига зид ишлар билан шугулланадилар.

Бектемир тумани Ички ишлар бўлими ходимлари ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни бир дамга бўлса-да, сусайтираётганликлари йўқ. Жиноятчиликка кескин зарба берган ҳолда аҳоли ўртасида ташкилий-тарбиявий тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга ҳам кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Маҳаллаларда, ўрта мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, ўсиб келаётган ёшларни ахлоқдан барқамол, маънан етук кишилар сифатида воқеа етишларида ўқитувчи-мураббийларга, фуқаролар йиғинларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Ешлар ўртасида турли жиноий кўринишларнинг олдини олиш, уларни олта-бобларимиздан қолган буюк кадрятлар асосларида тарбиялашни кучайтиришга ёрдам бериш, Ватанга садоқат руҳини шакллантириш, энг муҳими, жамият ахлоқий мезонларига ҳурмат ҳамда жавобгарлик ҳисси оширилгандагина юқори натижага эришиш мумкин. Маънавиятнинг қадим аъналятиро, бий маърифий илм асосларида тарбия кучайтирилган тақдирдагина ҳуқуқбузарликларнинг илдици қурийди, жиноятчилик иллатлари барҳам топа боради. Жиноятчилик барҳам толган жойда эса шубҳасиз, соғлом ва қучли жамият юзага келади.

Икром ТИЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Бектемир тумани
Ички ишлар бўлими
бошлигининг
профилактика ишлари
бўйича ўринбосари,
капитан.

Мушоҳада

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ОДДИЙ ТАЛАБИ

Кўплар жиноятни киши йўқчилик ёки зарурат юзасидан амалга оширади, деган нотўғри фикрни илгари суради. Тадқиқотлар талқинга қараганда эса жиноят ҳаётий зарурат эмас, балки у маънавий қашқоқликнинг, маърифий тарбия тақомилга етмаганлигининг ҳосиласидир. Жиноят (масалан, ўғирлик, босқинчилик ва бошқалар) инсон ақлу идрокидаги қусурлар оқибати сифатида кўзга ташланадики, уларни содир этувчилар айнан руҳан қашшоқ ва оқибатда жамият оддий жавобгарлик ҳиссини мутлақо унутган кишилардир.

Мавлоновларнинг саъй-ҳаракатлари билан жиноятчилар изига тушилди ва улар қўлга олинди.

Босқинчилик — зўравонликнинг, ўзгаларга куч ишлатиб, мулкни тортиб олишнинг бир жиноий кўриниши. Бу ишга юқорида айтилганидек, фақат маънавий тубан, яъни ўз вақтида тарбияси жамият талаби даражасида олиб борилмаган ва қалби илм уммонию, маърифат нурлари билан очилмаган, сўқир шахслар қўл урадилар. Мулкидан айрилган шахс ўғрини лаънатлайди. Лаънатга гирифтор бўлган шахс буни билмайди, ҳис этмайди. Аксинча, ўғирлаган буюмини ҳеч иккиланмай бозорда пуллаб юборишга ва пулига маишат қилишга интилади. Бу ҳол шу йилнинг 1 декабри, кундуз кун Бектемир туманидаги Вишневецкая қўчаси, 7-дала ҳовлида яшовчи Геннадий Мельников хонадониди. рўй берди. Шахси номаълум ўғри бу ердан жами нархи 458.000 сўмлик буюмларни ўмариб кетган. Тезкор тадбирлар натижасида профилактика инспектори ва жиноят-қидирув бўлими вакиллари ҳамкорлигида жиноятчи изига тушилди ва у

ни истеъмол қилишга ўрганиб қолган шахс пул топиш учун бировларнинг хонадонига тушади, буюмларини ўғирлаб сотишга ва гиёванд модда учун пул топишга ҳаракат қилади. Бунда маълум бир даражада ҳақиқат бор. Аммо, биз ҳозир назарга олган жиноятларнинг эса ўғирлик билан боғлиқ жиноятга алоқаси йўқ.

Жорий йилнинг 6 декабрида тумандаги Александр Мин кўчасида яшовчи С.Л. деган шахс ўз уйи олдида Тошкент вилояти, Урта Чирчик туманидаги Корасув-1 кўрғонидида яшовчи И. Тўлагановга 0,5 грамм героин моддасини 10 минг сўмга сотаётган пайтда жиноят-қидирув бўлими тезкор вакили, подполковник Ботир Муродов ҳамда профилактика инспектори, катта лейтенант Зухриддин Умаровлар томонидан ушланди. Бектемир тумани, Субсоз даҳасида яшовчи Н.Р. (ҳеч қаерда ишламайди) Илхос кўчасида яшовчи В.Ц. деган шахсдан 0,5 грамм героин сотиб олаётганда ЖКБ тезкор вакили, подполковник Ботир Муродов ҳамда профилактика инспектори, катта лейтенант Умид Париевлар томо-

Футбол

РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Жорий йилги мавсумда жаҳон чемпионати саралаш турнирининг биринчи bosқичида ўз гуруҳида пешқадамлик қилиб кейинги bosқичга йўлланма олган Ўзбекистон терма жамоаси Германияга бориш учун ниҳоятда қўлай имкониятга эга бўлди.


Кунни кеча Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳида жаҳон чемпионати саралаш турнирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган терма жамоалар вакиллари иштирокида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўз гуруҳида голибликни қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳидан ўрин эгаллади. Эндilikда Равшан Ҳайдаров шоғирдлари ўз гуруҳларида Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Кувайт терма жамоаларига қарши голиблик учун кураш олиб боришади.

Қуръа натижаларига кўра «В» гуруҳида Япония, Эрон, Баҳрайн ва Корея халқ демократик республикаси терма жамоалари чарм тўп усталари беллашадилар. Тан олиш лозимки, қуръа натижалари Ўзбекистон терма жамоаси учун анча қўлай келди. Дарвоқе, жаҳон чемпионати саралаш турнирининг дастлабки баҳслари 2005 йилнинг 9 февралда бўлиб ўтади. Футболчиларимиз биринчи учрашувни ўз майдонларида Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ўтказишади. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан терма жамоамизга ушбу турнирда фақат галаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг ректорати, жамоаси ва молия-режа бўлимининг ходимлари бўлим мудири Файрат Сокиевич Юсуповнинг падари бузрукворини **БОКИЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.



Маънавий-маърифий йўналишдаги учрашув ва тадбирлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан мусобақалар ҳамда таниқли спортчилар билан суҳбатлар, диний ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ходимлари билан давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Бу борада айниқса спортга оид тадбирлар, турли мусобақаларни ташкил этишга муҳим эътибор қаратилади. Шунингдек, яқинда талабалар шахарчаси ҳокими кубоги учун футбол баҳслари ўтказилди. Волейбол, энгил атлетика бўйича олий ўқув юртлири ўртасида ҳамда ўрта махсус ўқув юртлири та-



лабалари иштирокида алоҳида-алоҳида мусобақалар ташкил этилди. Ҳозир талабалар ўртасида шахмат-шашка ва мини-

мамлакат чемпиони ҳамда Осиё чемпионлар лигаси қатнашчиси «Пахтакор» футбол жамоаси вакиллари билан учрашув ташкил этилди. Учрашувда талабаларни қизиқтирган саволларга мураббий ва футболчилар жавоб бердилар. Болалар спортини ривожлантириш жағмғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Асқар Толиб-жонов пойтахтда болалар спортини ривожлантириш янги замонавий спорт иншоотларини куриш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтди. Учрашув сўнгида талабалар уйига «Пахтакор» жамоасининг эсдалик совгалари топширилди. Йиғилиш талабалар ва йиғилиш қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Спорт

ЧЕМПИОН БИЛАН УЧРАШУВ

«Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шахарчаси етакчили Кенгаши томонидан талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш юзасидан турли тадбирлар ташкил қилиниб келинмоқда.

футбол бўйича мусобақалар бошланиб кетди.

Кунни кеча Ўзбекистон Миллий университетининг 14-талабалар уйида бу йилги



Самбо

ХОТИРА ТУРНИРИ ЯҚУНЛАНДИ

Шаҳримиздаги МХСК залида уч кун давомида самбо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси С.Тогнаев хотирасига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди.

Республика самбо федерацияси, спорт яқкаурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби ҳамда мамлакатимиздаги Грузин маданият маркази томонидан ташкил этилган қизиқарли беллашувларга бой турнирда, юртимиз вилоятларидан келган кучли самбо усталари билан бир қаторда Тожикистон ва қозғоғистонлик спортчилар ҳам галаба учун кураш олиб боришди.

Бахслар, 40, 42, 45, 48, 51, 55, 59, 63, 68, 73, 78 ва ундан юқори бўлган жами 12 та вазн тоифаларида ташкил этилди.

Шунингдек керакки, кўплаб турнир қатнашчилари гарчи голиблар сафидан ўрин олмаган бўлса-да, чиройли учрашувлари билан мухлислар кўнглини шод этишди. Жумладан, «Динамо» (Тошкент) вакили Абдураҳмон Нуриллаев чиройли усулни қўллаган ҳолда 5 сония ичида рақибини айланттириб олди ва галабага эришди.

Яна бир ҳамшаҳримиз Г.Шокиржонов ҳам рақибни йўлчи устидан чиройли галабага эришди.

Самарқандлик Сафаров курагидан ошириб отиш ҳамда оғиртувчи усул қўллаш йўли билан тошкентлик Соиповни енгишга муваффақ бўлди.

Қайд этиш жоизки, турнирда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, 90 килограммгача вазнда Ш.Рўзиев, 59 килограммгача вазнда А.Мухамедов, 63 килограммгача вазнда М.Фармонов, 73 килограммгача самбочилар ўртасида Р.Ибрагимов ва ниҳоят энг оғир вазнда А.Шерматов хурмат шохушасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Қолган вазнларда эса омад Ш.Шамсиев (Андижон), Х.Аслонов (Бухоро), И.Раупов (Самарқанд), Р.Тўрақулов (Бекобод), А.Корганов (Тошкент вилояти), Н.Файзиев (Андижон)га кулиб бокди.

Барча голиб ва совриндорлар дипломлар ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: хотира турниридан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

ҚИШ ХАНДАЛАРИ

— Ҳой кўшни! Кузда роса хазон ёқиб, тутундан жонимизни ҳиқилдоғимизга келтиргандингиз, энди яна нимани ёқяписиз?

— Эриган қор остидан чиққан хазонларни-да!

— Уф-ф! Йил бўйи кўзимиз тутундан чиқмай ачиркан-да, бу ҳолда бошқаларнинг умрини ҳам хазон қиласиз-ку!

— Ундай деманг. Баҳор келса кўча эшик олдиларига

алвон гуллар экиб, ачиган кўзларингизни, албатта, кувонтираман!

— А-ап-шу! А-ап-шу!

— Соғ бўл! Шамоллабсан!

Кўйингни сотдингми?

— А-ап-шу! Сотмадим, а-ап-шу!

— Соғ бўл! Унда тўйга олган пулни қачон берасан?

— А-ап-шу! Кўйим қўзиланганда! А-ап-шу! Гап-ап-шу!

— Ақмал, мендан Наргизанинг қандайлигини сўраганингда унинг чиройига учиб,

уйланмаган бўлардинг. У ғирт тентак-ку!

— Э, Нилуфар, унинг ҳунигамас, отасининг кўзни қамаштирадиган «Нексия»-сига учгандим. Отаси ҳам ўта хасис экан, лоқал, «Кувёв машинага ўтиринг бир айланттириб келай», демайди-я?

— Қизи айланттириб бўлган-ку! Отаси шундай яхмалакда айланттириб бўпти!

— Адҳамжон «Яхши ният» лотореясида икки донасини олиб келиб, хотинига деди:

— Мана онаси, яхши ният

қилиб сенга олиб келдим. Ютуқ чиқса пулига сенга антиқа пальто олиб бераман, мазза қилиб, совуқда қиясан!

— Ютуқ чиқмаса-чи?

— Унда бахтингдан кўрасан.

— Унақаси кетмайди. Қаранг, плашчада юрибман, пальтони ҳозир олиб бераверинг, ютуқ пулини ўзингга олаверасиз.

— Ютуқ чиқмаса-чи?

— Унда сиз ҳам бахтингиздан кўрасиз-да, даласи!

Халлапаз Олим

КЎЧҚОРБЕКОВ



Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Магбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тибқ офсет усулида босилади.
2812 нусxada босилади. Қўғи бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Магбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамарга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.